

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 156 (10.965)

Баҳоси эркин нарҳда

## МАМЛАКАТИМИЗДА

- «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармасининг Тошкентдаги Миллий санъат марказида «Bazar-Art — 2007» кўргазма-ярмаркаси ташкил этилди. Ундан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри халқ амалий санъати усталарининг ижод намуналари ўрин олган.
- Украинанинг Ўзбекистондаги элчихонасида ҳар иккала мамлакат ўртасида дипломатик муносабатларнинг ўрнатилганлигига 15 йил тўлишига бағишланган матбуот конференцияси бўлиб ўтди.
- Ватанмиз Мустақиллигининг 16 йиллик байрами арафасида Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги тизимидаги Мехрибонлик уйлари ва махсус мактаб-интернатларга Самарқанд автомобиль заводида ишлаб чиқарилган 28 та автобус топширилди.
- Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда ҳамширалар ассоциацияси томонидан ташкил этилган «Йилнинг энг яхши ҳамшираси» кўрик-танловининг Жиззах вилоят босқичи ниҳоясига етди.
- Қашаши туманидаги 4-Мехрибонлик уйининг 62 нафар тарбияланувчиси Туркиянинг Анкара шаҳрида бўлиб ўтган IX халқаро ёшлар фестивалида қатнашиб, совринли ўринларни эгаллашди.
- Намангандаги А.Навоий номидаги вилоят музыка драма театрида «Ўз маҳалламини севаман» номли кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.
- «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурини амалга оширишга Шўрчи туманида ҳам муҳим аҳамият қаратилмоқда. Хусусан, шу кунга қадар Шўрчи тумани халқ таълими бўлими раҳбарияти билан ҳамкорликда уч нафар ёлғиз нафақахўр муаллимнинг уй-жойи ҳомийлар маблағи ҳисобидан таъмирлаб берилди. Икки оилага эса биттадан қорамол топширилди.
- Қарши шаҳри амфитеатрида «Шўртангаз-кимё» мажмуаси ҳомийлигида «Энг азиз, энг обод Ватан» мавзуида хайрия концерти уюштирилди.
- Ўзбекистон Фидокорлар миллий демократик партиясининг Бухоро вилоят Кенгаши Олот тумани ҳокимлиги билан ҳамкорликда ҳарбий қисмларнинг бирида «Сизга ишонмайсиз Ватани» номли тадбир ташкил этди.
- Ижтимоий ҳимоя йилида ҳомийлар томонидан бир километрдан ортиқроқ масофага сув қувури тортиб келиниб, Термиз туманидаги «Кўёшли юрт» маҳалласига ичимлик суви келтирилди. Шунингдек, ҳомийларнинг саъй-ҳаракатлари билан Қумқўрғон туманидаги Ўзбекистон, Боботўғ ва Оқжар чекка қишлоқлари ҳам ичимлик суви билан таъминланди.

## ЖАҲОНДА

- Япониянинг аэрокосмик агентлиги (JAXA) Ойга учирилган космик кемани таъмирлаш якунланганлигини билдириб, парвози бир неча марта кечиктирилган «Кагуя» номли тажрибавий космик Ой станциясининг 13 сентябрда парвоз қилишини таъкидлади.
- Кеча Перуда бир неча кучли zilзилалар рўй берди. Энг кучли ер zilкиниши эса Рихтер шкаласи бўйича 7,7 балли ташкил этди. Ҳозирча вайронгарчиликлар ва қурбонлар тўғрисида маълумотлар йўқ. Zilзиладан мамлакат пойтахти — Лима кўпроқ зарар кўрди.
- Кеча Ироқнинг Сурия билан чегара ҳудудида жойлашган Санжар шаҳри яқинидаги асосий қурдлар истиқомат қиладиган учта аҳоли пунктида бир вақтнинг ўзида камиқадзелар томонидан тўртта ёниги ташуви машинанинг портлатиб юборилиши оқибатида 250 га яқин киши ҳаётдан кўз юмди. Ярадорлар сони эса 350 тага етди. Ҳужум рўй берган жойдаги 30 та турар жой бинолари бутунлай вайронага айланди.
- 166-рақамли «Нева экспресси» поездининг портлатилиши оқибатлари бартараф этилиб, Москва ва Санкт-Петербург шаҳарлари ўртасида темир йўл ҳаракати яна тикланди. Ҳозирда портлаш рўй берган жойда бўлган шубҳали шахснинг қиёфасини аниқлаш бўйича ишлар амалга оширилмоқда.
- АҚШнинг Гавайи оролларида «Флосси» тропик тўфони яқинлашиб келмоқда. Тўфон чоғида бу ерда кучли ёмғир ёғиб, соатига 150 километр тезликда бўрон эса бошлаши тахмин қилинмоқда. Тўфон оқибатида Тинч океанида тўлқинларнинг баландлиги 9 метргача етиши ҳам баъшорат қилинмоқда.
- Германиядаги қичқ шаҳарлардан бирида италияликлар қаҳвахонаси ёнида 16 ёшдан 39 ёшгача бўлган олти киши ўлдириб кетилган. Уларнинг барчаси италян миллатига мансуб бўлиб, дастлабки маълумотларга кўра ушбу мудҳиш қотилликда Италия мафиясининг қўли бор.
- Туркиянинг Измир шаҳри қуюқ тутунга бурканди. Чунки шаҳар атрофидаги ўрмондан чиққан кучли ёнғин оқибатида 350 гектар ерда дарактар қуйиб кул бўлди. Ўрмон ёнғинини ўчиришга вертолётлар ва юзлаб ўт ўчирувчилар жалб этилган.
- Россиянинг Новосибирск шаҳрида тош ҳайкалтарошлиги бўйича қизиқарли танлов бўлиб ўтди. Унда қатнашган Россиянинг энг иқтидорли ҳайкалтарошлари бетакрор санъат асарларини яратдилар. Ҳайкалларнинг бир қисми келгусида шаҳарнинг диққатга сазовор жойларини безайдиган бўлса, бошқалари болалар боғчалари ва мактабларга топширилади.

## ИСЛОМ ҚАРИМОВ ВА ХУ ЦЗИНЬТАО УЧРАШУВИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ ҚАРИМОВ 15 АВГУСТ КУНИ ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ (ШХТ) ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИНING НАВБАТДАГИ МАЖЛИСИДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ҚИРГИЗИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПОЙТАХТИ БИШКЕК ШАҲРИГА ЖЎНАБ КЕТДИ.

ШХТнинг бу галги учрашувида ташкилотга аъзо Ўзбекистон, Хитой, Россия, Қозоғистон, Тожикистон ва Қирғизистон давлат раҳбарлари билан бир қаторда Ҳиндистон, Покистон, Эрон, Мўғулистон, Афғонистон, Туркманистон вакиллари ҳам иштирок этиши кўтилмоқда.

Саммитда иқтисодий ҳамкорлик масалалари, жумладан, қишлоқ хўжалиги, машинасозлик, нефть-газ саноати, айниқса, энергетика, ахборот технологиялари ва транспорт коммуникациялари соҳаларида ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш, шунингдек, хавфсизликни мустаҳкамлаш имкониятларига доир масалалар кўриб чиқишли режалаштирилган.

**БИШКЕК. 15 август.** (ЎзА махсус мухбири Анвар Бобоев хабар қилади.)

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Бишкекка етиб келди.

Мамлакатимиз раҳбари «Ала Арча» қароргоҳига жойлашди. Шу кун Ислам Каримов Президентини ва Қирғизистон Президентини Ислам Каримов билан Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтао ўртасида учрашув бўлиб ўтди.

Президент Ислам Каримов Ўзбекистон билан Хитой ўртасида ўзаро ишонч мустаҳкамлашиб бораётганини, бу ўзаро ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантиришда муҳим омил бўлаётганини таъкидлади.

Ху Цзиньтао Ўзбекистон раҳбарини Хитойнинг яқин дўсти деб билишини, икки томонлама муносабатларни ривожлантиришда Ислам Каримовнинг ҳиссаси улкан эканини қайд этди.

Мулоқот чоғида икки томонлама муносабатларнинг бугунги аҳоли ва иқтисодий ҳаётини, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасидаги ҳамкорликка оид масалалар юзасидан фикр алмашилди. Ислам Каримов ва Ху Цзиньтао мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар 2005 йилда имзоланган Дўстлик ва шериклик тўғрисидаги давлатлараро шартнома руҳида ривожланаётганини таъкидладилар.

(ЎзА)

## Бу байрам — барчамизники, бутун халқимизники

ПОЙТАХТНИНГ  
Бир кунини  
Янгиликлар, воқеалар

16  
O'ZBEKISTON



## ЯККАСАРОЙ ТУМАНИ



Туманда иқтисодий иншо қилиш ва эркинлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш бўйича белгиланган вазифаларнинг амалга оширилатганлиги туфайли бир қатор ютуқларга эришилди. Жумладан, чакана савдо айланмасининг 2006 йил биринчи ярим йиллик кўрсаткичи 39,1 миллиард сўмдан 2007 йил биринчи ярим йиллигида 51,5 миллиард сўмга, ёки 131,8 фоизга, пуллик хизмат бир қўрсаткичи 20,1 миллиард сўмга, ёки 134,1 фоизга, маший хизмат эса 876 миллион сўмдан 982,3 миллион сўмга ёки 112,1 фоизга ўсганлиги туманда тадбиркорлик фаолиятининг янада жонланганлигини кўрсатади. Бундан ташқари қўрсаткич соҳасида эришилган ютуқларни ҳам қайд этиш лозим. Туманда 2006 йил биринчи ярим йиллигида 438,0 миллион АҚШ долларига тенг маҳсулот экспорт қилинган бўлса, жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида бу кўрсаткич 709,8 миллион АҚШ долларини, ўсиш суръати эса 162,1 фоизни ташкил этди. Шу билан бирга жорий йилнинг биринчи ярмида 72,1 миллион АҚШ долларига тенг маҳсулот экспорт қилинди.

Яна шуни таъкидлаш керакки, аҳолининг иш билан бандлиги муаммоларини ҳал этиш мақсадида Президентимизнинг 2006 йил 5 январдаги «Йирик саноат қорхоналари билан қасаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида асосан йирик ишлаб чиқариш қорхоналарининг бюртмалари асосида банд бўлмаган аҳоли, айниқса хотин-қизлар, кўп болали оналар, ногиронлар, тайёргарлик ва малака даражаси етарли бўлмагани боис ўзига муносиб иш топишга қийналаётган хотин-қизлар қасаначиликка кенг жалб этилди. Фармонни бажариш мақсадида биринчи ярим йилликда 150 та янги иш ўринлари яратилди.

Туман аҳолиси айни кунларда Энг улуг ва энг азиз байрамимизни кўлга киритилаётган ютуқлари билан шодлиққа қутиб олиш иштиёқига қизгин меҳнат қилмоқда.

(Яккасарой туманига бағишланган саҳифа материалларини 2-бетда ўқийсиз).

## САМАРҚАНДНИНГ ИСЛОМ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИДАГИ ЎРНИ

«Ўзбекистоннинг ислом цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссаси» мавзуидаги халқаро илмий-амалий конференция ўз ишини 15 август кун Самарқанд шаҳрида давом эттирди



Самарқанд шаҳри мустақиллик йилларида жуда кўп қутлғу шодлиқлар, тўю тантаналарнинг гувоҳи бўлиб келмоқда. Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида бу ерда кўпга буюқ ажодларимизнинг таваллуд айёмлари кенг нишонланди. Маъмур юбилейлар муносабати билан шаҳарда исломий қўрилган бунёдкорлик ишлари амалга оширилди.

Қадимий ва ҳамisha навқирон шаҳар бугун ҳам улкан байрамлар шуқу билан яшамоқда. Бу ерда истиклолимизнинг 16 йиллиги, Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллиги ва «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалини кўтаринки руҳда ўтказишга қизгин ҳозирлик қўрилмоқда.

Президентимиз Ислам Каримов халқаро илмий-амалий конференция иштирокчиларига йўллаган табригида Мовароуннаҳр заминида камолга етган, ўзининг илмий жасорати, буюқ кашфиётлари билан бутун дунёда шухрат қозонган зотлар қаторида Мирзо Улугбек номини ҳам чуқур эҳтиром билан қайд этгани беҳиз эмас.

Мирзо Улугбек мамлакатта раҳбарлик қилган даврда Самарқанд Урта аср илм-фанининг жаҳоншумул марказларидан бирига айланди. XV асрнинг биринчи ярмида Мирзо Улугбек мунажжимлар мактабига асос солиди, мадраса ва расадхоналар қурди. Унинг атрофида бутун бир илмий маскан — Улугбек академияси таркиб топди. Ушбу академияда Гийосиддин Жамшид Кошиий, Қозизода Румий, Али Қўшчи каби машҳур олимлар етишиб чиқди. Улугбек академиясида амалга оширилган ишлар жаҳон фан оламида тан олинди.

Конференциянинг Самарқанддаги ялли йиллиги айнан бобоқалониимиз номи билан боғлиқ табарруқ даргоҳ — Улугбек мадрасасида бўлиб ўтди. Унда Қирғизистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий М.Жуманов, Украина мусулмонлари идораси раиси, муфтий А.Тамим, Россия мусулмонлари идораси раиси биринчи ўринбосари, Россия муфтийлар кенгаши девони раҳбари Харис Саубиянов, Халқаро ислом университети

қошидаги Давлат академияси ректори Абдулжаббар Шоқир, Қозоғистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий А.Дербесали, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий У.Алимов, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита раиси вази-фасини баҳаруви О.Юсупов ва бошқалар ИСЕСКО томонидан Тошкент шаҳри 2007 йилда ислом маданияти пойтахти деб эълон қилиниши Ўзбекистонда эътиқод эркинлигини таъминлаш, қадриятларни тиклаш ва ривожлантириш, ажодларнинг бой илмий ва маданий меросини ўрганиш борасида амалга оширилаётган кенг қамровли ишларнинг халқаро миқёсда яна бир эътирофи бўлганини алоҳида таъкидладилар.

Асрлар оша турли миллат ва диний конфессиялар вакиллари ўзаро тотув ва аҳилликда яшаётган Ўзбекистон ислом маданияти ва фалсафаси ривожига беимис ҳисса қўшиб келадиган мамлакатдир. Бунда қадимий Самарқанд шаҳрининг ҳам муносиб ўрни бор. Ушбу шаҳарда яшаб ўтган кўпга буюқ мутафаккирлар қолдирган буюқ маданий ва маънавий мерос бутун жаҳон аҳлида тобора катта қизиқувч қўйиётган.

Анжуманда Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат университети ректори Т.Шириновнинг «Самарқанднинг ислом цивилизациясидаги ўрни» мавзуидаги маърузаси тингланди. 2750 йиллигини нишонлаш арафасида турган Самарқанд неча-неча юз йилликлар давомида Марказий Осиё минтақасининг сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётида катта мавқега эга бўлиб келган. Шаҳарнинг Буюқ ипак йўли чорраҳасида жойлашганлиги унинг ҳар томонлама ривожланишига хизмат қилган. Самарқанд шаҳрига азалдан «Ер юзининг сайқали», «Қадимий Шарқ гавҳари» каби латиф иборалар бехуда айтилмаган. Айниқса, буюқ бобоқалониимиз Амир Темир Самарқандни ўзига меҳр билан қадрлади, обод қилди, дунёнинг энг гўзал шаҳарларидан бирига айлантирди. (Давоми 3-бетда).

Мустақиллик йилларида бошқа туманлар катори яшнаб-яшариб, обод бўлиб бораётган Яккасарой туманида мислсиз ўзгаришлар, бунёдкорлик, яратувчанлик ишлари амалга оширилмоқда. Туманнинг қайси бир қўшасига борманг, янгиликларга кўзингиз тушади. Замонавий муҳташам бинолар, мактаб, поликлиникалар, кенг ва раво кўчалар, маҳобатли кўприклар... Буларнинг бари албатта Истиклол шарофатидан, десак адашмаймиз.

Туманнинг тарихи ҳақида шуни таъкидлаш керакки, Яккасарой тумани 1936 йилда ташкил топган бўлиб, унинг ҳудуди 1,46 минг гектарни ташкил этди. Бугунги кунда туманда 114,7 минг нафар кўп миллатли аҳоли тинч-тотув яшаб келмоқда. Туманда 4 тадан қасалхона ва поликлиника, 16 та умумтаълим мактаби, 3 та олий ўқув юрти, 7 та коллеж ва 2 та академик лицей, 18 та маҳалла, битта маданият ва истироҳат боғи, 2 та маданият уйи, битта деҳқон бозори мавжуд бўлиб аҳолига самарали хизмат кўрсатмоқда. Шуни таъкидлаш керакки, туманда кейинги йилларда барча соҳаларда юксалишлар, улкан ютуқларга эришилмоқда. Иқтисодий иншоотларнинг устувор йўналишларини амалга ошириш давомида тумани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда ижобий сифат жишларига эришилди. Жумладан, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича кўрсаткичлар жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида 2006 йилнинг биринчи ярмига нисбатан 117,4 фоизни ташкил этди, Яъни бу йил биринчи ярим йилликда 52,4 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш кўрсаткичлари 2006 йил ярим йиллигида 10,5 миллиард сўмни, 2007 йил биринчи ярим йиллиги мобайнида эса 15 миллиард сўмни ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан 142,3 фоизни ташкил қилди.

## Қасқа сатрларда

• **БУГУН** Ҳамза туманидаги «Тенгдош» маданият уйида «Миллий урф-одатларимиз — боқий қадрият» мавзуида ўтказилган маданий-маърифий тадбир Тошкент шаҳар қозоқ миллий маданият маркази ҳамкорлигида уюштирилди.

• **ЮНУСОБОД** туманидаги Увайсий номли маҳаллада «Ёзни «Қамолот» билан!» лойиҳаси доирасида ўтказилган «Қамолот кўни» тадбирида маҳалланинг фаол ёшлари иштирок этишди.


• **БУГУН** Собир Раҳимов туманидаги Комилжон Гофуров ва «Истиклол» маҳалларида яшовчи болажонлар «Ёзни «Қамолот» билан!» лойиҳаси доирасида Тошкент ҳайвонот боғига экскурсия қилишди.

• **ЧИЛОНЗОР** туманидаги «Баҳористон» маҳалласида юртидаги Мустақиллигининг 16 йиллиги бағишлаб ўтказилган тадбир ва маҳалла ёшлари иштирокидаги спорт мусобақалари «Бу байрам — барчамизники, бутун халқимизники» деб номланди.

• **КЕЧА** Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Ўзбекистон ахборот технологиялари ассоциацияси, Жанубий Кореянинг Интернетни ривожлантириш агентлиги ҳамкорликларида шаҳримизда соҳа мутахассислари иштирокида ўтказилган семинарда ахборот технологияларини янада ривожлантиришнинг муҳим омиллари борасида сўз бўлди.

• **КЕЧАДАН** ёшларга таътил вақтида ўз билимларини оширишлари ва малака даражасида ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамда «Қамолот» ЁИХ Марказий Кенгаши ҳамкорликларида ташкил этилган ўқув лагерларининг наватдаги машғулоти бошланди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).



# Бу байрам — барчамизники, бутун халқимизники



Қарор ва ижро

## МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАР САМАРАСИ

**ТУМАНДА ЁШЛАРИ МАЪНАН ЕТУК ВА БАРКАМОЛ, ЎЗ ВАТАНИГА САДОҚАТЛИ, ВАТАНПАРВАР ҚИЛИБ ТАРБИЯЛАШ, УЛАРДА УМУММИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР, АНЪАНАЛАРГА ҲУРМАТ ТУЙҒУСINI ОШИРИШ МАҚСАДИДА МАЪНАВИЯТ ТАРБИБОТ МАРКАЗИ ЯККАСАРОЙ ТУМАН БЎЛИМИ ТОМОНИДАН ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ТАДБИРЛАРНИНГ САМАРАСИ АҲАМИЯТЛИ БЎЛМОҚДА.**

Туманда йил давомида маънавий-маърифий ишларни янада такомиллаштириш, ижтимоий-маънавий муҳитни юксалтириш комплекс дастури ҳамда туман Маънавият ва маърифат Кенгашининг иш режаси ишлаб чиқилди ва шу асосда қўлаб маънавий-маърифий тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Жумладан тумандаги барча ўқув муассасаларида, коллеж, лицейларда «Ватани ҳимоя қилиш—муқаддас бурчимиз», «Соғлом бўлай десангиз», «Сиз кунчини биласизми?», «Сиз тарихни биласизми?» мавзуларида бир қатор тадбирлар ўтказилди.

Туманимизда айти кунларда Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси Муσταқиллигининг 16 йиллик байрамга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш бўйича «Бу байрам — барчамизники, бутун халқимизники» деган эзгу гоани муҳим эътибор билан ташкилий-амалий, маданий-маънавий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари режа асосида бажарилмоқда. — дейди Маънавият тарғибот маркази Яккасарой туман бўлими раҳбари Гузал Нурматова. — Байрам тадбирини тайёрлаш ва уни ўтказиш бўйича етти кишидан иборат ҳудудий комиссия тузилган. Улар иштирокида тумандаги барча корхона, ташкилотлар, банк, таълим, тиббиёт муассасаларида байрам тадбирларини ўтказиш учун чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди, амалда бажарил-

моқда. Маҳаллаларда, корхона ва ташкилотларда байрам тадбирларини кўтаринки руҳда ва юқори савияда ўтказиш мақсадида туман Маданият ва спорт ишлари бўлими, Маънавият тарғибот маркази туман бўлими, «Камолот» ЁИХ туман бўлими бириктирилган. Айти кунларда махсус дастур ва режа асосида ҳудудларга бириктирилган ижодий гуруҳлар ҳамкорлигида аҳоли орасида тананиқил ёзувчи ва шоирлар, санъат намояндалари иштирокида маданий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда. Яқинда муқаддас қадамларимизни зиёрат қилиш мақсадида фахрийлар, ёшлар ва маҳалла фаолларининг Ҳазрати Имом мажмуасига саёҳати ташкил қилинди.

Бундан ташқари айти кунларда Мустанқиллигимиз шодиёналарига қизгин тайёргарлик кўрилмоқда. Ҳар бир маҳалла, корхона, ташкилотлар, муассасалар ҳудудида жойларни байрамона безаш, широрлар ҳамда стендлар билан жиҳозлаш ишлари амалга оширилмоқда. Бебаҳо неъматимиз бўлган Истиқлолимизнинг мазмун-моҳиятини тарғиб этишга оид видеофильмлар тарқатилиб, жойларда маънавий-маърифий мавзуда давра суҳбатлари ўтказилмоқда.

Халқимиз, айтканса ёшлар маънавиятини юксалтириш йўлида олиб борилётган бу каби эзгу ишлар келгусида ўзининг ижодий натижаларини беради албатта.

Президентимизнинг 2007 йил 23 январдаги «Ижтимоий ҳимоя йили даври тўғрисида»ги ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимининг мазкур дастур бўйича қарори ижросини таъминлаш мақсадида «Ижтимоий ҳимоя йили» ҳудудий дастури ишлаб чиқилган бўлиб, қуйидаги ишлар амалга ошириб келинмапти. Жумладан, Наврўз байрами муносабати билан меҳнат жамоаларида фаолият юритаётган ва маҳаллаларда истиқомат қилаётган ҳам таъминланган оилалар ва ижтимоий ҳимояга муҳтож 547 нафар фуқароларга байрам арафасида жами 5630000

этилди, шу жумладан қасаначилик бўйича 150 та иш ўринлари яратилди. Ижтимоий ҳимояга муҳтож кишилар учун туман ҳокимининг 2006 йил 30 октябрдаги 705-сонли қарорига асосан жами 36 та корхонада 822 та энг кам миқдордаги махсус иш жойлари, жумладан ногиронлар учун 335 та иш ўринлари ташкил этилди. Шунингдек, туманда истиқомат қилувчи 18220 нафар кексалардан 9765 нафар тиббий кўриқдан ўтказилди, улардан 6542 нафари соғломлаштирилди. 1 нафар кўзи оғир элғиз қария катаракта экстракцияси бўйича операция

## Маҳалланг — ота-онанг ОБОД ВА ФАЙЗЛИ ГЎШАЛАРИМИЗ

**ВАТАН — ОСТАНАДАН БОШЛАНАДИ, ВАТАН — МАҲАЛЛАДАН БОШЛАНАДИ, ДЕБ БЕЖИЗ АЙТМАЙМИЗ. ДАРҲАҚИҚАТ, МАҲАЛЛА — ВАТАН ИЧРА КИЧИК БИР ВАТАНДИР. УНДА ТУРЛИ МИЛЛАТ КИШИЛАРИ БАҲАМЖИҲАТ, ТОТУВЛИК ВА БИРДАМЛИҚДА ҲАЁТ КЕЧИРИШМОҚДА. ЯККАСАРОЙ ТУМАНИ МАҲАЛЛАЛАРИДА ҲАМ КўП МИЛЛАТЛИ ОИЛАЛАР ИСТИҚОМ ҚИЛИБ, МАҲАЛЛАНИ ОБОДОНЛАШТИРИШ, КўКАЛАМЗОРЛАШТИРИШ ИШЛАРИДА ФАОЛ ИШТИРОК ЭТМОҚДАЛАР.**

Мустанқиллигимиз шодиёналарига ҳам санокли кунлар қолди. Энг улуг ва энг азиз байрамимизни муносиб кутиб олиш мақсадида тумандаги мавжуд 18 та маҳаллада ободонлаштириш, таъмирлаш ишлари қизгин бормоқда. Туманда оилалар тинчлиги, фаровонлигини таъминлаш, вояга етмаганлар ўрнини қопатиш, гивёандлик, диний ақидапарастлиқнинг олдини олишга муҳим эътибор қаратилган. Жумладан, Усмон Носир маҳалласи фаолиятига назар ташлар эканми, бу маҳаллада ўзгача тартиб-интизом, саранжом-сарипталик, баҳамжиҳатликнинг гувоҳи бўлди.

Маҳалламизда 2812 нафар кўп миллатли аҳоли истиқомат қилади. Шундай бўлишига қарамай ниҳоятда аҳил ва бирдамликда маҳалланing гуллаб-яшнаши, ободонлаштириш ишларида, тинчлиги, осойишталиги йўлида ҳаммиса фаол иштирок этадилар. Шу боис маҳалламизда тинчлик-осойишталик ҳукмрон, — дейди Усмон Носир маҳалласи фуқаролар йиғини раисиси Дилбархон Султонова. — Маҳалламиз янги, 2003 йилда ташкил топган бўлиб, ҳудудимизда 2 та мактабгача таълим муассасаси, поликлиника ва корхона-ташкilotлар жойлашган. Айти кунларда маҳалламизда Мустанқиллигимиз байрами олдидан ободонлаштириш ишлари қизгин бормоқда. Ҳар шанба, якшанба кунлари ҳаётлар ташкил қилиниб, ҳудудимиздаги дарахтларни оқлаш, буталаш, кўчаларни ёриткичлар билан таъминлаш, кўчалар ва йўлчаларни асфальтлаш ишлари амалга оширилмоқда. Бу ишларга Тошкент эстрада-цирк коллежи ўқувчилари ҳам яқиндан кўмак бермоқдалар. Бундан ташқари Ижтимоий

ҳимоя йили муносабати билан маҳалламиздаги кексалар, элғиз қариялар, аёллар ва болалар «Соғлом авлод учун» жағмармаси томонидан 23-поликлиника тиббиёт ходимлари ёрдамида тиббий кўриқдан ўтказилди. Албатта, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш энг муҳим вазифаларимиздан саналади. Яна шунинг қувонч билан айтишим керак, яқинда бўлиб ўтган Маҳалла кўни олдидан ўтказилган байрам тадбирида туман бўйича ўтказилган танловда «Энг намунали маҳалла» номинацияси бўйича биринчи ўринга сазовор бўлди. Бу маҳалламиз учун энг қувончли воқеа албатта. Биз бундан кейин ҳам Ватан равнақи ва тараққиёти, Мустанқиллигимизни мустанқамлаш йўлида, маҳалламизнинг янада обод ва гуллаб-яшнаши учун бор билим ва таҳриқимизни аямай меҳнат қиламиз.

## 2007 — Ижтимоий ҳимоя йили ХАЛҚ МАНФААТЛАРИ — УСТУВОР ВАЗИФА

**ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ЙИЛИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ТУМАНДА ЙИЛ БОШИДАН БҒЕН АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ, УЛАРГА ЕТАРЛИ ШАРОИТЛАР ЯРАТИШ, ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ЯХШИЛАШ, ЁШЛАРНИНГ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯСИ, СОҒЛИГИ ВА ЖИСМОНАН ЕТУКЛИГИ БОРАСИДА АМАЛДАГИ ҚОНУН ВА ҚАРОРЛАР, ДАСТУРЛАР ВА РЕЖАЛАР АСОСИДА МАВЖУД ТАЗИМГА КИРУВЧИ ТАШКИЛОТЛАР, ШУНИНГДЕК, ЖАМОАТ ТАШКИЛОТЛАРИ, ТУМАН ҲУДУДИЙ ТИББИЁТ БИРЛАШМАСИ, ИЖТИМОЙ ТАЪМИНОТ БЎЛИМИ, «МАҲАЛЛА», «НУРОНИЙ», БОЛАЛАР СПОРТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМҒОРМАЛАРИ, «КАМОЛОТ» ЁИХ ТУМАН КЕНГАШИ БИЛАН ҲАМКОРЛИҚДА САМАРАЛИ ИШ ОЛИБ БОРИЛМОҚДА.**

минг сўмлик (гул, кийим-кечак, озиқ-овқат ва бошқа шаклда) маблағ сарфланди. Туман ҳокимлиги, бошқарма ва жамоат ташкилотлари томонидан Хотира ва Қадрлаш кўни муносабати билан уруш қатнашчилари, уруш ортида меҳнат қилган фахрийлар, ёрдамга муҳтож кишилар, элғиз қариялар, ногиронлар ҳолидан хабар олинди ва байрам совғалари улашилди. Жами ҳомийлар томонидан уларга 11066000 сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Айтиш жоизки, инсонпарварлик таъминоти асосланган давлат сиёсати энг аввало эътиборга муҳтож инсонларга мадад бўлиши тақозо этади. «Ижтимоий ҳимоя йили дастури» асосида давом этаётган меҳр-муруват, хайру саховат тадбирлари жамиятимизнинг ҳар бир фуқароси доимий эътиборда. Ватан ҳимоясида эканлигини кўрсатиб турибди. Жумладан, жорий йилнинг 6 июнь кўни туман ҳокимлиги, бўлим ва ташкилотлар билан ҳамкорликда «Табассум» ресторанида туман маҳаллаларида истиқомат қилаётган кам таъминланган, ногирон, боқувчисини йўқотган 350 га яқин оила фарзандлари учун байрам дастурхони ёзилиб концерт намойиш этилди. Шунингдек, мазкур йилинда ижтимоий ҳимояга муҳтож 5 нафар боланинг хатна тўйи ўтказилди. Тадбирда тўй болаларга турли-туман совғалар ва зарчоплар совға қилинди. Булардан ташқари туманда банд бўлмаган аҳолини ишга жойлаштириш мақсадида меҳнат бўлимининг йўлнамаси билан 6 ой давомида 119 нафар фуқаро ўқига жўнатилган, жамоат ишларига жой лаштирилганлар сони эса 38 нафарни ташкил этган. Янги иш жойларини яратиш бўйича жорий йил бошидан туманда 2344 та янги иш ўринлари ташкил

қилинди ва кўз гахари имплантация қилинди. Шу билан бирга аҳолининг муҳтож қатлами аниқ йўналтирилган ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида 1379 нафар бемор бепул дори-дармон воситалари билан таъминланган. «Ижтимоий ҳимоя йили» давлат дастурига мувофиқ туман ижтимоий таъминот бўлими муҳофаза қилиш ва уларга ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида 1,827050 сўмлик маблағ сарфланди. Президентимизнинг «2007-2010 йилларда элғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронлар аниқ ижтимоий муҳофаза қилиш ва уларга ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида қўйиштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 459-сонли қарори асосида бугунги кунга қадар муҳтожларга 5 та ногиронлик арачасини, 3 та эшитиш мосламаси ажратилди, 7 нафар ногирон ҳарса, 5 та ногирон кўлтиқтак билан таъминланди. Протез ортопедия маҳсулотларини олишлари учун 26 нафар ногиронларга бепул талон ёзиб берилди. Шу билан бирга рўйхатда турган 15 нафар пенсионер ва ногиронларга дам олиш ҳамда соғлиқларини тиклаш учун сижатҳо-ларга йўлнамалар ажратилди. Тумандаги ижтимоий хизматга олинган 127 нафар элғиз қарияларга ярим йил мобайнида жами 6,500 сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Ҳа, хайру саховат, муруват халқимизга хос олижаноб фазилатлардан саналади. Илоҳим мамлакатимизда шу каби меҳр-муруват, саховатга йўғрилган тадбирлари бардавом бўлаверсин.

## Умуммиллий дастур — амалда ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИГА МУНОСИБ ТУҲФА

**АЙНИ КУНЛАРДА МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ 16 ЙИЛЛИК ШОДИЁНАЛАРИ БИЛАН БИРГАЛИҚДА БОШЛАНАДИ ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИНИ ЎҚУВЧИЛАР ОРЗИҚИБ КУТИШМОҚДА. ШУНИ АЛОҲИДА ТАЪКИДЛАШ КЕРАКИКИ, МАМЛАКАТИМИЗДА ИСТИҚОЛ ТУҒАЙЛИ ЙИЛДАН ЙИЛГА КўПЛАБ ЯНГИ ЗАМОНАВИЙ МАКТАБ БИНОЛАРИ БУНЁД ЭТИЛМОҚДА. ЭСКИЛАРИ ҚАЙТА ТАЪМИРЛАНИБ ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИГА ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛМОҚДА. ШУНИНГДЕК, «2004 — 2009 ЙИЛЛАРДА МАКТАБ ТАЪЛИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ УМУММИЛЛИЙ ДАСТУРИ» ДА БЕЛГИЛАНГАН ВАЗИФАЛАР ҲАЁТГА ИЗЧИЛ ТАТБИҚ ЭТИЛМОҚДА.**

Яккасарой тумани халқ таълими бўлими тасарруфида ҳозирги кунда 16 та мактаб, 23 та мактабгача таълим муассасалари мавжуд. Айти кунларда тумандаги 127, 172-мактабларда капитал таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. 127-мактабни таъмирлаш ишларида 60 миллион сўм, 172-мактабни таъмирлаш ишларида эса 55 миллион сўм, 319-мактаб том қисмини таъмирлаш ишларида 4 миллион сўм маблағ сарфланди. Шу билан бирга таълим муассасаларида янги ўқув йили олдидан кенг қўламда ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Ҳозирги кунда халқ таълими бўлими ҳисобига 50 нафар васийлик ва ҳомийликда тарбияланаётган болалар мавжуд бўлиб, бир ярим йил давомида 11 нафар вояга етмаган болаларга нисбатан васийлик ва ҳомийлик белгиланган ва улар 18 ёшга етунга қадар назоратга олинган. Улардан 4 нафари Меҳрибонлик уйига, 2 нафари 98-мактаб-интернатга жойлаштирилди, 1 нафарига ҳомий, 2 нафарига васий белгиланди.

Яна шуниси қувонарлики, туманда янги ўқув йилига ўқувчиларга муносиб туҳфа сифатида 176-мактаб ўрнида 450 ўқувчига мўлжалланган янги Ахборот технологиялари касб-хунара коллежи қад ростланмоқда. Ҳозирда бу ерда бир йўла таъмирлаш, ободонлаштириш, жиҳозлаш ишлари жадвал бормоқда. Қурилиш ишларини бош пудратчи «Бухорогазсаноктурилиш» ОАЖ, буюртмачи «Трансгазинжинринг» унитар корхонаси, ёрдамчи пудратчи ташкилотлар — «Қашқадарёнефтегазсаноктурилиш» ОАЖ, «Муборакнефтегазмонтаж» ОАЖ, «Тошкентнефтегазқурилиш» ОАЖ бунёдкорлари амалга оширишмоқда. Айти кунда бу ерда 770 нафар бунёдкор қизгин меҳнат қилмоқда. 4 қаватли ўқув биноси 2 қаватдан иборат 50 ўринга мўлжалланган ётоқхона биноси, алоҳида спорт зал, фаоллар зали мавжуд бўлган коллеж биносини 15 августда фойдаланишга топшириш мўлжалланмоқда. Бу янги коллеж албатта Мустанқиллигимизнинг 16 йиллиги ва янги ўқув йилига муносиб туҳфа бўлади.

Саҳифа материалларини Дилором ИКРОМОВА тайёрлади. Козим Ўлмасов олган суратлар.

## Иқтисодиёт

### ЯНГИ МОДЕЛЛАЙ ЯРАТИЛМОҚДА

**ТАДБИРКОРЛАРИМИЗНИНГ БОЗОРНИ АСТОЙДИЛ ЎРГАНИШ АСОСИДА ИШЛАЕ ЧИҚАРАЁТГАН СИФАТЛИ МАҲСУЛОТЛАР НАФАҚАТ ИЧКИ, БАЛКИ ХОРИЖ БОЗОРА ҲАМ ХАРИДОРИНИ ТОПМОҚДА.**

Пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган «Юл топ» хусусий корхонаси ана шундай тадбирлар қаторидан жой олган бўлиб, бу ерда заавий тўқув ва тикув машиналари қувватидан арили фойдаланиб, тайёрланаётган трикотаж-сулотлари Украина, Россия, Қозоғистон дотларига экспорт қилинмоқда.

— Илк фаолиятимизни 5 киши билан бо.б, 3-4 хилдаги болалар кийимларини тайёран бўлсак, — дейди корхона раҳбари, тажрибали-биркор Шоира Мусаева, — бугунги кунга иб ишчи-хизматчиларимиз сафи кенгайиб 40 нрдан ошди. Харидор талаб ва эҳтиёжини ўрнш асосида маҳсулотлар турлари ҳам ортиб боқда. 60 хилдаги моделлар асосида болаларлар ва эркаклар учун мавсумбоп кийим-кечар тайёрланапти. Муҳими тайёр маҳсулотларимеч қачон оморда туриб қолмайди. Узиминг фирма дўконимиз ва бошқа савдо шохобчэи орқали харидорга етказиб берилади.

Корхона цехларини янги дастгоҳлар билан-ҳозлашга қаратилган эътибор боис сифат га-марадорлик ошди, хотин-қизлар учун янш ўринлари яратилди. Янги тикув ва тўқув маалари келтирилди. 2004 йилда эса лизинг иномаси орқали иккита замонавий мини-текль машиналарига эга бўлишди. Ушбу дастгоҳни бошқараётган ишчи-хизматчиларининг ҳам а-каси юқори бўлиб, сифатли ва рақобатбаш товарлар ишлаб чиқаришда барча бирдай а-нади. Шу боис ҳам корхона маҳсулотларини-ридорлари сафи ортиб бормоқда.

Ҳозирда тадбиркорлар корхонани янадан-гайтириш, хорижий ишбилармонлар билан-корлик қилиш, экспорт ҳажмини ошириш йда саъй-ҳаракат қилишмоқда.

### МИЖОЗЛАР САФ ОРТМОҚДА

**ЧИРОЙЛИ ВА ЯРАШИҚЛИ ЛИБОСЛАР ТАЙЁРЛАШ МОДЕЛЬЕР ВА ЧЕВАРДАН АНЧАГИНА МАХОРАТ ТАЛАБ ҚИЛАДИ. А ШУ МАХОРАТ ИШГА СОЛИНСА, ЯРАТИЛИ ЯНГИ КИЙИМ-КЕЧАКЛАР ҲАР ҚАНДАЙ ОДАМ КЎРКНИ ОЧАДИ.**

Чилонзор туманида фаолият кўрсатаётган «Ю-бинович» хусусий корхонаси чекарлари ҳал-лар ва эркаклар учун буюртма асосида заавий либослар яратишади, иш кийимлари и-шади. Энг муҳими эса буюртмалар тез воз бажариб берилади, сифатга алоҳида эъор қаратилади. Шу боис бўлса керак, кундан га миҷозлар сафи кенгайиб бормоқда.

— Жамоамизда 13 нафар ўз касбининг уари меҳнат қилишади, — дейди корхона рари Олег Чураков. — Махсулот тайёрлашда маҳий хом ашёдан кенг фойдаланамиз. Шунин алда таъкидлаш лозимки, ҳозирда юртимизда иб чиқарилаётган турли матолар сифати билан-ралиб туради. Шунинг учун ҳам уста чекаримиз улардан четниқидан асло қолишмайди-ги-бослар яратишмоқдаки, бу харидорларни мун этмоқда. Ҳар бир миҷозга эътибор қарати-миз, талабини ҳисобга олганимиз боис ҳау-юртмаларимиз кўпайиб бормоқда. Биз учунг муҳими — ички бозорда харидоримизни тш, буюртмаларни эса сифатли адо этишдир.

Нозима АКРОВА

### 15 ЙИЛЛИК ҲАМКОРЛИК

**ЎЗБЕКИСТОН РОССИЯНИНГ ЯРОСЛАВ ВИЛОЯТИ БИЛАН ҲАМ ЯҚИН АЛОҚА ҲАМКОРЛИК. БУНДАЙ ИҚТИСОДИЙ ВА МАДАНИЙ ҲАМКОРЛИК ЙЎЛГА ҚЎЙИЛГАНИГА 15 ЙИЛ ТЎЛДИ.**

Бу санани нишонлаш мақсадида республика катор тадбирлар амалга оширилди. «Екистон маданияти ва санъати форуми» жармаси томонидан тайёрланаётган томоша гуридан халқлар дўстлигини маҳз этувчи таалар ўрин олади.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси билан с-лавл вилоят савдо-саноат палатаси ҳамкорида ҳам қатор тадбирлар қўрилади. Ярслада уюштирилаётган бизнес-форум ҳам икки пта ўртасидаги ўзаро муносабатни ривожлантишга хизмат қилади.

Ярослав савдо-саноат палатаси «Ўзелтехот» ассоциацияси билан ҳамкорликни ўрнани режалаштирмоқда.

### МЕҲНАТЛАРИ МУНОСИБ ТАҚДИРЛАНДИ

**«ТОШШАҲАРТРАНСХИЗМАТ» УЮШМА ТАРКИБИДАГИ АВТОКОРХОНА ВА ДЕПО ЙЎНАЛИШ САРДОРЛАРИНИНГ ЙЎЛВЧИ ТАШИШ ТРАНСПОРТИНИНГ БАРЧА ҲАЙДОВЧИЛАРИ ВА ХОДИМЛАРИГА МУРОЖААТИ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ.**

«Йул транспорти ходисаларисиз хавфсизни таъминлаб, сифатли хизмат кўрсатайлик!» ан шиир илгари сурилган бу даъват жамоат т-порти иш сифатини оширишда, шаҳар йўчи ташиш транспорти фаолиятини янада яхшида муҳим омил бўлади.

Мурожаатда касб маҳоратини ошириб, жа-зифаларига сидқидилдан муносабатда бўлан Расул Каримов, Евгений Кричетников, Валир-зараимов, Абдуғаффор Қодиров каби йўш сардорларининг номлари фахр билан тилга н-ди.

«Тошшаҳартрансхизмат» уюшмасининг йўш сардорлари анжуманида уларнинг меҳнату-носиб тақдирланди.

Анвар ВАЪВ



ОЗ ОЗ УЎГАНИШ ДОНО БУЛАР...

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БҮСТОНИ

Юсуф Хос Ҳожиб ҲИКМАТЛАР

Кимда-ким билимга бурди ўз йўлин, Эзгудан ўзгага чўзмади кўлин.

Улуғлик заковат остонасида, Бу юклик билимга дастёр аслида.

Билим маънисин бил — нима дер билим: Билимдидан йўлни чап солди ўлим.

Билимсиз барчаси дардманддир, дардманд, Бу дард давосига билим хунарманд.

Заковат кўнглида яширин баҳор, Кўрдингми — билимли қайси элда хор?!

Билимли кишидан бало-офатлар узоклашади.

Билим гўё бир бошбоғ кабидир, агар киши унга эриша олса, Тилакка етиб, туман орзуларга эришади.

Заковат, билим таржимони бу — тил, Ёруғликка элтар кишини у, бил.

Кишин тил улуғлар, топар кут киши, Кишин тил тубанлар — ёрилар боши.

Сўзинг эҳтиёт қил, бошинг кетмасин, Тилинг эҳтиёт қил, тишинг синмасин.

Талай сўзлама сўз, бир оз сўзла оз, Талай сир-синаотни оз сўзда ёз.

Жами сўзни сўз деб гапирма бироқ, Керак сўзни сўзла бўлиб кўз-қулоқ.

Зеҳнлини кўрдим — у оз сўзлади, Талай сўзладим, деб ўкинди бироқ.

Агар ўз тилинга эгасан ўзинг, Тилингдан чиқарма яроқсиз сўзинг.

Кўп сўзлаб, топмадим очунда бир наф, Кўзланган бу наф ҳам сўз кўпидан даф.

Эрким сўз ваҳжидан тахтга эгадир, Сўзким, эр бошини пастга эгадир.

Олқиш ҳам, қарғиш ҳам — тилинг таълими, Элга наф келтирар тилинг ҳалими.

Келишнинг кетиши бордир дунёда, Сўзингни эзгу қил — умринг зиёда.

Сўз — ақл.

Отадан ўғилга қолгани бу — сўз, Оталар сўзин тут, нафи ҳам юз-юз.

Тил арслон мисоли ётар қафасда, Беҳабар бошини ер у нафасда.

Ортиқ сўзда асло бўларми фойда, Зиёндан бўлак йўқ сўз ортиқ жойда.

Билиб сўзланган сўз донолик саналади. Билимсизнинг сўзи эса ўз бошига етиши мумкин.

Оз сўзларга кўпроқ маъно сигдириш пайдан бўл.

Ортиқча айтилган сўз киши кўнглига малол. Аммо сўзлашмаслик ҳам мумкин эмас. Бу ҳолда соқов деган номни ортириб олиш мумкин. Шунга кўра ўртача йўрик тутиш лозим. Йўриқни ўртача тутган одам кут-иқболга эришади.

Тилингни авайла — омондир бошинг, Сўзингни авайла — узаар ёшинг.

Тилинг келтирадиган нафи жуда кўп. Уларни гофилик қилиб кўлдан чиқармаслик керак. Тил гоҳо мақталса, гоҳо сўкишга мос бўлади. Шунинг учун қачон ва қаерда сўзласанг ҳам билиб гапир. Гапирган гапинг кўр одамлар учун кўз бўлсин.

Назар солиб қарасанг, билимсиз одам кўзи кўр кишига ўхшайди. Унинг кўзини очиш учун билимдан ҳисса бериш лозим.

Инсон икки нарса туйғули қарилик нималигини билмайди. Уларнинг бири — хуш қилиқ, бошқаси — эзгу сўздир.

Туғилган одамдан қоладиган мерос — сўз. Унинг ўзи йўлиб кетади, сўзи эса мангу қолади.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган



ЯҚИНДА ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ, БҮСТОНЛИК ТУМАННИНГ ПУРВИҚОР ТОҒЛАР БАҒРИДАГИ «ЧИМЁН» СЎЛИМ ТАБИАТ ГЎШАСИДА ЖОЙЛАШГАН «АЛГОРИТМ» БОЛАЛАР СОҒЛОМЛАШТИРИШ ОРОМҒОҲИДА МИНИ ФУТБОЛ БЎЙИЧА «ПАХТАКОР — 79» АНЪАНАВИЙ VIII ХАЛҚАРО ХОТИРА ТУРНИРИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Тадбирни «Алгоритм» корпорациясининг биринчи директори, ҳозирги кунда ташкил топганлигининг 20 йиллигини кенг нишонлаётган «Алгоритм» болалар соғломлаштириш оромгоҳини барпо этган моҳир ташкилотчи Раҳим Ражабов дил сўзлари билан очиб, ушбу турнирнинг болалар камолоти учун ниҳоятда муҳимлигини, дўстликни мустаҳкамлашга хизмат қилишини таъкидлади. Шунингдек, оромгоҳнинг 20 йиллиги байрами муносабати билан ушбу болалар соғломлаштириш маскани ривожига ҳисса қўшган ходимларга «Узметмашсаноат» ходимлари қасаба уюшмаси марказий Кенгаши ҳамда Тошкент шаҳар «Узметмашсаноат» қасаба уюшмаси кўмиталари раислари кенгашининг Фахрий ёрликлари ҳамда «Алгоритм» болалар соғломлаштириш оромгоҳига қимматбах совғалар топширилди. «Алгоритм» болалар соғломлаштириш оромгоҳига Франция, Исроил, Германия, Россия элчихоналари, Самарқанд футбол фахрийларининг «Фортуна», «Узқабель» ОАЖ жамоаси, «Пахтакор» фахрийлари жамоаси эсдалик совғаларини топшириб, самимий дил сўзларини айтдилар.

Турнир мезбони — «Алгоритм-1», «Алгоритм-2» командалари билан бирга Биродар Абдураимов, 1994 йилдаги Осиё ўйинлари қолиби Улуғбек Рўзимов каби ўйинчилардан иборат «Пахтакор» фахрийлари жамоаси, Самарқанд футбол фахрийларидан ташкил топган «Фортуна», Тошкент шаҳридаги «Узқабель» ОАЖ, илк катнашаётган маҳаллий Чимён командалари ҳамда мусобақанинг азалий меҳмонлари — АҚШ,

Яъни «Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятларда муҳофаза қилиш тўғрисида», «Фуқаро муҳофазаси тўғрисида», «Радиациявий хавфсизлик тўғрисида»-ги ва «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»-ги ва «Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг санот хавфсизлиги тўғрисида»-ги Қонулар қабул қилинган бўлиб, уларнинг бари ягона мақсади — инсон хавфсизлигини ҳамда моддий бойликларини миз бутунлигини таъминлашга қаратилган.

Қуни кеча Тошкент шаҳар



Футбол

Хайрли анъана давом этмоқда

Франция, Исроил, Германия ҳамда биринчи бор иштирок этаётган Россия мамлақати элчихоналари жамоаларидан иборат 11 та команда учта гуруҳга бўлинган ҳолда гофилик учун баҳс олиб бордилар. Навбатдаги хотира турнири иштирокчилар таъкидлаганидек, ҳам доимгидек, пухта ҳозирлик қўрилганлиги, мамлакат олий лигасидаги ҳакамлар иштирокида юқоқ савияда ташкил этилганлиги билан чиройли, мазмунли ўтди. Жамоалар ўйиндан-ўйинга чиройли, ажойиб футбол спектакллари намойиш этиб, дўстона руҳ ҳукм сурди.

Футбол уршувлари танаффуслари оралиғиде «Рақс» рақс, «Алауддин» шоу-вокал гуруҳи жамоаларининг Ватани, дўстликни улуғловчи қўшиқлари, рақслари ижро этилди.

Финалда «Алгоритм-1» ва АҚШ элчихонаси жамоаси уршувида 4:1 ҳисоби қайд этилиб, «Алгоритм-1» галаба қозонди ва турнир қолиби бўлди. АҚШ элчихонаси жамоаси фахрли иккинчи ва Исроил элчихонаси ҳамда «Пахтакор» фахрийлари жамоалари учинчи ўрин соҳиблари бўлдилар. Бу беллашувлар болалар қалбига ўчмас из қолдирди.

—Мен Қорақалпоғистондан келганман. Нукус шаҳридаги 17-мактабда ўқийман, бу оромгоҳда биринчи бўлишим, Хотира турнири, оромгоҳдаги шарт-шароитлар жуда ҳам ёқди, кўп дўстлар орттирдим, —дейди мамнунлик билан Дилфуза Райимова.

—Бу хотира турнири болалар тарбиясига жуда яхши ибратли, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиши билан ижобий таъсир этади. —Биз уч йилдан бери мазкур турнирда катнашиб келаямиз, юқори даражада ташкил этилганлиги, дўстона кайфият бағишлаши билан оғру-эътибор қозонмоқда. Шунинг учун оромгоҳ бошлиғи Йўлчибой Раҳимжонов ра-

барлиғидаги турнир ташкилотчиларига катта раҳмат, —ди Самарқанд футбол фахрийларининг «Фортуна» клубдори, истеъдодли футболчи Элбек Мусаев.

—Мазкур турнирда учинчи бор катнашимиз, —ди «Фортуна» жамоаси ўйинчиси, Самарқанд давлат меъинлик институтининг проректори, фан номзоди Файзулқаромов. —Унинг тарбиявий аҳамияти катта. Ажойиб ўйинларни эслаганда кўзга ёш келади. Бундай нуфузли турнирлар кўпайса, эл шаънини ҳимоя қилишга қодир маҳли футболчиларнинг етишиб чиқишига хизмат қилишак-шубҳасиздир. Шу турнирни томоша қилаётган болалардан жаҳон танийдиган футболчи чиқса ажабмас.

—Бу анъанавий хотира мусобақасининг кўпчиликлари бўлган муҳим жиҳати —инсон хотирасига хурматни-қадаслиги, бола тарбиясига хизмат қилиши, дўстона-сабатнинг мустаҳкамлиги бораётганлиги ва шунинг ҳам иштирокчилар сафининг кенгайиб бораётганлиги, —дейди оромгоҳ бошлиғи, турнирнинг асосий ташкилдоридан бири ҳамда моҳир тўпурари Йўлчибой Раҳимж.

Ўзбек футбол ривожига салмоқли ҳисса қўшган, роланса арзигулик футболчиларимиз — «Пахтакор» футбол клубини хотирлашга, тинчлик, дўстликни мустаҳкамлашга, соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга қараган, катта тарбиявий аҳамият касб этган наватдаги хайрли-бир ёш истеъдодли санъаткорлар иштирокидаги май дастур билан ақунланиб, барчага яхши кайфият, завқ бағишлаб унутилмас таассурот қолдирди.

Улуғбек ПЎЛВ

СУРАТЛАРДА: хотира мусобақасидан лавҳалар

Чанқовбосди ичимликлар

РАЙҲОН ДАМЛАМАСИ

Иссик ҳаво ўфуриб, жазира-ма аъзои-баданни «қовуриб» турган палларда бир парча сўлим-салқин жой, бир кўлтум чанқовбосди ичимлик истаб қолади киши. Бу борада бошқа салқин ичимликлар қатори райҳонли чой ҳам жуда ақсолади.

Болгар олимларининг берган маълумотларига қараганда, райҳонли чой киши танасини яйратибгина қолмасдан, балки гуш, кўтиринг авж олишига хотима беради, қуёқ, буйрак, пешоб йўллари яллиғланишида фойда беради, муртақ безлари шамоллаганида ижобий тарафларини кўрсатади, безгақ хуружидан фориғ этади.

Одатда райҳон чой сифатида ишлатилишидан олдин салқин, ҳаво эркилиги бўлган жойларда (бостирма таги, қуёқ нуридан ҳимояланган жойда) қури-тиб олинади. Чанқовбосди ичимлик тайёрлашда ошрайхон ва ҳожирайхонларнинг барглари маҳсулот сифатида тайёрланади. Кафтлар орасида кукунлаштирилган райҳон барглари-дан 1 чой қошиқ микдорда олиб мўжаз чойнакка солинган, устига потилаб турган қайноқ сув қуйилиб тад едирилади. Чамаси бир соатлардан кейин, дамлама ўз тафти билан совоғач, истеъмолга яроқли ҳисобланади. Мабода сархил райҳон баргларида дамлама тайёрланиши лозим бўлиб қолса, унда райҳонларнинг қошиқ кунгураси катталиғидаги 4 дона барги совоқ сувга чайиб

олингач, қайноқ сув билан едирилади. Райҳонли, юба-баҳшли чанқовбосди-ларига бир лўкма муз солибда тотли ичимликка айланш мумкин.

ТАН ЯЙРАТИ ЧУЛИ

Айни жазирама кунлар-қин, танаманзув ичимлар қаторига сархил ўрик қуи ёхуд унинг туршгаги ёки баги асосида тайёрланадигани (компот)ни киритиш мун. Лорсиллаб турган ҳаво ю-қини босади, одамни тетити-тиради, дармон бағиши. Ўрик чулиси юрак озика ти-нотини яхшилайди, ични эн қилад.

Ўрик чулисини тайёш кўҳна замонлардан бериат бўлиб келган ҳосиятли тар-дир. Ўрик чулисини ҳосил ш жуда оддий. Одатда тахан 200 грамм микдордаги ол ўрик мевасига 800 грамм микдорда қайнатма тайёрб, ёхуд 100 грамм туршак (бк) 900 грамм қайнатилган га ивита кўринишида истаб этилади. Ўрикнинг тарқда етарли даражада қанд сәи бўлганлиги туйғайли, бўлажу-лига шакар қўшилишаслими мумкин. Мабодо ўриккли илча меваси ёки қоқилар-лан бирга тайёрланадиган а, бундай чанқовбосди ичк-тана бетоқатлига хотире-ради, кишига хузурубх тир этади.

Доно ХҲЖА, олий тови дорис

Мунажжим башорати

ЖИДДИЙ ТАДБИРЛАРНИ ЎТҚАЗАВЕРИНГ

17 АВГУСТ, ЖУМА

Бугун хатти-ҳаракатларимизда беқарорлик аломатлар-хир бўлиши кутулади. Меркурий бекорлик орқага «Харакат-э-ттан» Зуҳро юлдузи қувватларининг қўшилиши санъат-лари савдоси кизгин бўлишдан дарак беради. Бошлаб эн ишларингизни якунига етказиш бугун омадди кечини, эн-дий тadbирларни ўтказиш хайрли бўлиши кутулади.

Оймомамиз бугун фақат кундалик одатий ишлар билан банд б-га даъват этади. Тонг шафақини, чакмоқ чакишини ёки тўн чироқнинг ёқилишини кўриш бугун эҳжингиз очилишини кўр-чи яхшиллик аломати ҳисобланади.

БҮГҮН:

— қалб мувозанатини тиклайдиган ишлар билан банд бўлиш — ўзингиз суйган ёки сиз учун ёқимли кишилар даврасида б; — шахсий муаммоларингизга бутун эътиборингизни қаратиш — ҳамкасбларингиз, қариндошлар ва қўшнилариингиз билан-сабатларни йўлга қўйиш; — ўзингизни хайрихоҳларча тутиб, энг яхши фазилатларини намоен этиш тавсия қилинади.

Ўзингизни ўнга-чўққа уриш, мақсадга эришиш йўлида қт-кўрсатавериш, янги иш ва лойиҳаларга қўл уришдан тийилинг. Қорадан бошқа истаган рангдаги кийимлар бугунги кунинг-марали бўлишида ёрдам беради.

Фавқулодда вазиятлар бошқармаси фаолиятдан РЕЖАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

ХАЛҚИМИЗНИНГ ТИНЧ ВА ХОТИРЖАМ ЯШАШНИ ТАЪМИНЛАШ, ТУРЛИ ТАБИЙ ВА ТЕХНОГЕН ОФАТЛАРДАН МУҲОФАЗА ҚИЛИШ, ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРДА ТЎҒРИ ҲАРАКАТ ҚИЛИШГА ЎРГАТИШ БОРАСИДА ЖОРИЙ ЙИЛДА ҚАТОР ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА. МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЮРТИМИЗДА ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР, СОДИР БЎЛАДИГАН ҲОДИСАЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА ФУҚАРО МУҲОФАЗАСИ ЙЎЛИДА ТЕГИШЛИ ҚОНУНЧИЛИК НЕГИЗИ ШАКЛЛАНТИРИЛДИ.

ҳокимлигида бўлиб ўтган йиғилиш-да ҳам Тошкент шаҳрида Фавқу-лодда вазиятларда уларнинг олди-ни олиш ва ҳаракат қилиш давлат ҳудудий қуви тизимларининг жор-ий йилнинг биринчи ярим йили-да олиб борган ишлари тахлил қилин-ди ва иккинчи ярим йил-ликда амалга оширилмадиган асо-сий вазифалар белгилаб олинди.

Йиғилишда Тошкент шаҳар Фа-вқулодда вазиятлар бошқармаси бо-шлиғи полковник Эргаш Икро-мов ўтган ярим йил мобайнида амал-га оширилган ишлар тўғриси-да ҳисобот беради экан. Республи-ка Бош вазири ва Тошкент шаҳар ҳо-қими қарорига мувофиқ. Ҳамза- тумани фавқулодда вазиятларда улар-нинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш ҳудудий қуви тизимида: ту-ман фуқаро муҳофазаси хизматла-ри бошқарув раҳбарлари билан «Сув тошқини ва узок муддатда сув босиб туришининг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш иш-ларини ташкил этиш» мавзусида Қўмондонлик-штаб ўқув машқи ўтказилгани ва унга 18714 нафар ҳо-димлар ва 374 та автотехника во-ситалари жалб қилиниб, иктисодий самарадорлик 73 миллион 978 ми-нг сўмини ташкил этганлигини, Яққасарой туманида эса режалаш-тирилган Қўмондонлик-штаб ўқув машқида тайёргарлик кўриш мақ-садида, 2007 йилнинг 26-28 июнь кун-лари Тошкент шаҳар ҳокимия-ти, Фуқаро муҳофазаси хизматла-ри ва Фавқулодда вазиятлар бош-қармаси масъул ходимлари ишти-рокида Яққасарой туман ҳокимия-ти, туман фуқаро муҳофазаси хиз-матлари, ташкилот ва муассасалар, иктисодиёт объектларининг раҳбар ходимлари ва шахсий таркибини Фуқаро муҳофазасининг амалдаги

ер, 500 м<sup>3</sup> шағал ва 61200 м<sup>3</sup> ка-налларни чиқиндилардан тозалаш ишлари амалга оширилиб, жами 151 миллион 816 миң сўмлик ишлар амалга оширилди.

Ўтган давр мобайнида Тошкент шаҳар ҳокимияти тасарруфидаги «Қўтқарув хизмати-050» телефоно-ларига ёрдам ва маслаҳат сўраб ша-ҳар аҳолиси, меҳмонлари, ташки-лот ва муассасалардан жами 55203 маротаба мурожаатлар келиб ту-шиб, 838 та ҳолатларда инсонлар ҳаёти ва йирик микросоғидаги фа-вқулодда вазиятларнинг олдини олиш бўйича чиқишлар амалга оширил-ди. Шу билан бирга, 184 маротаба ўрнидан тура олмайдиган кекса но-гиронларга ва қарияларга, 139 ма-ротаба уй ичиде газ плиталари, элек-тр жиҳозлари ёқиқ қолган, 150 маротаба уй ичиде ёш болалар қо-либ кетган эшиги берк хонадон-лар махсус асбоб-ускуналар ёрда-мида очиб берилди ва ёнган-порт-лаш хавфининг олди олинди, 22 маротаба Соғлиқни сақлаш бош бо-шқармасининг тез тиббий ёрдам хизмати ва Йўл ҳаракати хавфсиз-лиги бошқармаси ходимлари билан биргаликда йўл-транспорт ҳодиса-си натижасида жабрланган фуқа-роларга ёрдам кўрсатилди.

Мазкур йиғилиш кун тартибида-ги бошқа масалалар ҳам кўрилиб, биринчи ярим йилликда амалга оширилган ишлар тахлил қилин-ди, иккинчи ярим йилликда бажарили-ши лозим бўлган вазифалар бел-гиланиб, қўрилган масалалар юза-сида тегишли қарорлар қабул қилин-ди.

Ҳуснийхон ТОҶИБОЕВА, Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси матбуот хизмати етакчи мутахассиси

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳақми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 2875 нусхада босилади. Қозоғ бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамати»га — 133-74-05 телефон мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқишомининг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюқ Турон» кўчаси, 41-